



**АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАДРЛАР  
САЛОХИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.**

**Kobulova Mahpubahon Yakibovna**

*Senior lecturer of the Agricultural economics department of Andijan*

*Agriculture and Agro-technologies Institute, Uzbekistan,*

*Email: [mahpubahon76@gmail.com](mailto:mahpubahon76@gmail.com).*

**Jurayeva Maftunahon Alisher qizi,**

*Andijan institute of agriculture and agrotechnologies,*

*the first course student of master's department.*

**Аннотация.** *Мақолада қишлоқ хўжалик тармоқларининг ривожланишида инсон капитални ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни амалда қўллаш йўллари кўрсатилган. Бугунги кунда дунё бўйлаб интеграция ва глобаллашув жараёни тез ривожланмоқда. Мамлакатимиз жаҳон майдонида иқтисодий салоҳияти ҳамда илмий-техникавий имкониятлари билан муносиб ўрин эгаллаб турибди. Қишлоқ хўжалик тармоқларида инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун реал шарт – шароитларни яратувчи ижтимоий – иқтисодий ислохотлар, аҳамиятга молик ўзгаришлар амалга оширилмоқда.*

**Калит сўзлар.** *Агросаноат интеграцияси, интеллектуал салоҳият, кластер, интеграция, инсон капиталли, меҳнатга лаёқатли, маълумот, касбий билим, самарадорлик, сифатли мутахассис.*

**MAKING EFFECTIVE USE OF HUMAN RESOURCES IN THE DEVELOPMENT OF  
THE AGRICULTURAL INTEGRATION.**

**Abstract.** *In the article the questions concerning human capital in development of integration of the economy of agriculture are considered. Today, the world is rapidly evolving through integration and globalization. Our country occupies a worthy place in the world's arena with its economic potential and scientific and technological achievements. Socio-economic reforms are being implemented in the rural economic sectors, creating real conditions for the human factor to act as a cutting force and to progressively develop.*

**Keywords.** *Agricultural integration, intellectual potential, cluster, integration, human capital, workable, educated, professional knowledge, effective, fruitful, qualified, specialist.*



## ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ РЕСУРСОВ В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ИНТЕГРАЦИИ

*Аннотация.* В статье рассмотрены вопросы, касающиеся человеческого капитала в развитии интеграции экономики сельского хозяйства. Сегодня мир стремительно развивается благодаря интеграции и глобализации. Наша страна занимает достойное место на мировой арене своим экономическим потенциалом и научно-техническими достижениями. В сельском хозяйственных секторах осуществляется социально-экономические реформы, создающие реальные условия для того, чтобы человеческий фактор действовал как режущая сила и последовательно развивался.

**Ключевые слова.** Интеграция агропромышленного комплекса, интеллектуальный потенциал, кластер, интеграция, человеческий капитал, трудоспособный, образование, профессиональное знание, эффективность, качественный специалист.

Мамлакатимиз агросаноат тизимида моддий ишлаб чиқаришнинг йирик тармоғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидир. Бу соҳанинг асосий вазифаси мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган талабини қондиришидир. Шунга кўра, қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳар бир мамлакат учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик тармоқлари интеграциясини ривожлантиришда инсон капитали муҳим аҳамиятга эга. Инсон капиталининг моҳияти меҳнатга лаёқатли, маълумотга эга бўлиш, касбий билим, кўникма, саломатликни ўз ичига олади ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими таркиби билан белгиланади. Бундай боғлиқлик анча мураккаб бўлиб, ҳаётнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаси чегарасидан чиқиб кетади, чунки меҳнат умумий тусга эга ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳасида, масалан, сиёсатда, мудофаада ва хоказоларда мавжуд. Шундан келиб чиқиб, биз мана шу тоифани таҳлил қилиш билан ва демак, уни қайта яратиш билан чекланишга мажбурмиз.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. "Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак".<sup>4</sup>

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини амалга оширишда, инсон капиталини ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва

<sup>4</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018 й., 20 б.



ривожлантиришда, мамлакат аҳолисининг янада яхши шароитларини яратишда, ҳамда рақобатбардошликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Инсонни улуғлайдиган, унинг шаънини кўтарадиган омиллар бу, – асрлар оша яшаб келаётган ўлмас кадрятлар саналади. Улар ҳаётга мазмун бахш этади, маънавиятни юксалтиради ва жамият тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида қайд этганларидек, “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамокдамиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ равшан белгилаб олишимиз зарур. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ овқат ҳавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир”<sup>5</sup>.

Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни яратиш ва ўзлаштиришга қодир бўлган сифатли инсон капиталига боғлиқ бўлмоқда. Бундай сифатли инсон капиталисиз мамлакатда илм фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

Олимларнинг фикрича: “Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлаб чиқаришда, уни тайёрлашда, қайта ишлашда, сақлашда, ташишда, сотишда, қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишда ва уларга хизмат кўрсатишда иштирок қилувчи халқ хўжалиги тармоқларининг ўзаро боғланган йиғиндиси шаклида намоён бўлади. Бу йиғинди республика агросаноат мажмуасини (АСМ) ташкил қилади”<sup>6</sup>.

Шундан келиб чиқиб агросаноат мажмуасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Агросаноат мажмуаси – бу ишлаб чиқаришнинг бир бутун занжирли технологик кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигига асосланган, қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарувчи воситаларини ишлаб чиқариш, унга хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқларнинг ягона мақсад йўлида ўзаро интеграциялашуви ва яхлит бир тизимга бирлашувини акс эттирувчи тузилмадир”.

Р.Ҳақимовнинг таъриф беришича: «Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир-бирига сингиб кетиши, бир бутун тизимга айланишидир».<sup>7</sup>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномаси 28.12.2018 й

<sup>6</sup> Р.Ҳ.Ҳусанов, Ю.Т.Додобоев, Д.Ю.Додобоев. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Қувасой ТЎИЧМ. Тошкент, 2003. -558 б.

<sup>7</sup> Р. Ҳақимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2009. – 19 б.



Бизнинг фикримизча агросаноат интеграцияси - бу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ягона ташкилий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимга бирлашуви ҳамда ўзаро боғланган ва манфаатли хўжалик алоқарини ўрнатиш жараёнидир. Бу жараёнда ягона занжирли тизимга бирлашган технологик жараённинг маълум бир қисмини ихтисослашган тармоқлар ёки корхоналар амалга оширади ва кейинги технологик босқичга тайёрлаб беради.

Ривожланган давлатлар қаторига кириш йўлида шахдам одимлаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ана шу омилга айлантиришга устувор эътибор қаратилмоқда. Зеро, замондан орқада қолмаслик учун, аввало, инсон ўз билим доирасини кенгайтириб, такомиллаштириб, замонавийлаштириб бориши керак. Ана шундагина унинг интеллектуал даражаси, салоҳияти ошади. Билимлари жамоаси, корхонаси, ватанни тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилади.

Агросаноат интеграциясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг яратилиши қуйидагиларга қаратилган:

- агросаноат комплексини инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

- пахта хомашёсини етиштиришга самарали усулларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида янги иш жойларини яратиш;

- аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш асосида қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини ошириш.

Ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг пировард мақсади юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосида ҳудудлардаги кўпгина муаммолар меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан иборат.

Айни пайтда пахта-тўқимачилик кластерлари сони кўпайиб бораётгани, келгусида пахта етиштирувчи 133 тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтиши, янги тузилаётган кластерлар томонидан 41 корхона ташкил этилиб, 25 мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Кластер усулидан фойдаланиш инновацион жараён ҳисобланади.<sup>8</sup>

Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги интеграциясини ривожлантиришда малакали сифатли мутахассислар талаб этилади. Сифатли мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртлари тизимида ҳам бир қанча ўзгаришлар бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 2909 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини

<sup>8</sup> <https://zamin.uz/iqtisodiyot/45350-klaster-raqobatda-yutib-chiqishning-eng-oqilona-yuli.html>



янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида" қарорига асосланиб ҳамда № 3151 қароридаги<sup>9</sup> интеграцияни ошириш мақсадида интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга йўналтирилганлиги ҳисобланади. Интеллектуал салоҳият инсон омилининг иқтисодий самарадорлигидир.

Инсон омили атамаси илмий-иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида пайдо бўлиб, ушбу атама луғатларда бирор-бир нарсанинг сабаби, ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида таърифланади. Ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра мазкур атама «ресурс» атамасидан фарқ қилиб, унга нисбатан анча кенгроқ ва чуқурроқ маънони англатади. Инсон омили ўзаро бир-бири билан муносабатда бўладиган, турли мавқени эгаллаган синфлар, қатламлар ва гуруҳлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти ва ўзаро муносабати жамиятнинг илғор ривожланишини таъминлайди. Инсон ресурслари инсон омилининг ижтимоий-иқтисодий тизимлари йиғиндисидан ташкил топган. Тараққиёт натижасида, иқтисодий ҳаётнинг субъекти сифатида инсон тўғрисида «ишчи кучи», «инсон омили», «инсон ресурслари», «инсон капитали» тушунчалари юзага келди.

Инсон омили орқали фақат биргина инсоннинг ўзига эмас, балки бошқаларга ҳам наф келтириши мумкин. Бу эса, миллий ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур.<sup>10</sup>

Бутун меҳнат жамоасини бошқарув аъзолигига эришиш олдиндаги энг муҳим мақсаддир. «Инсон ресурсларини бошқариш эволюцияси ва уни ривожлантиришдаги келгуси йўналишларга баҳо бериш учун йирик корпорацияларни бошқарадиган япон ва америка мутахассисларининг фикрлари билан танишиб чиқиш фойдалидир. Япон менежерлари бошқариш соҳасидаги бўлажак сиёсатни инсон ресурслари салоҳиятидан 78,9 фоиз фойдаланишда деб билишади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ресурслари билан шуғулланувчи махсус комиссиясининг хулосаси шундай: «Замонавий юксалиш назарияларининг асосий заифлиги шундаки, жисмоний капиталнинг иқтисодий юксалишга кўшаётган ҳиссаси жуда камтарона бўлиб чиқмоқда. Эксперт ҳисоб-китобларига кўра одатда биргаликда эришилган иқтисодий юксалишнинг кўпи билан 40 фоизини таъминлайди. Қолган 60 фоизи инсоний омил туфайли таъминланади»<sup>11</sup>. Шунинг учун иқтисодиётни ривожланиши учун энг аввало инсонларга эътибор бериш ва уларга шарт-шароит яратиш лозим дейилади.

Ўзбекистон ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади. Масалан, 16 миллион киши истиқомат қилувчи ва 1,038 миллион гектар экин майдонлари (унинг ҳам 60 фоизи денгиз яқинида ўзлаштирилган ерлар) бўлган Голландияда 131 миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳолда, 33 миллионлик

<sup>9</sup> "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида"

<sup>10</sup> Фахриддин Жониев, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институти "Ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

<sup>11</sup> Инсон ривожланиши тўғрисида ҳисобот, БМТ. – Ўзбекистон, 1996. - 19 б.



аҳолиси ва 4,4 миллион гектарлик экин майдонларига эга Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич бор-йўғи 13,2 миллиард долларни ташкил қилади.

Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда инсон омили – энг зарурий ресурс, унинг аҳамияти табиий ресурслар ёки моддий бойликлардан баландроқдир. Инсон капиталларининг йиғиндиси кадрлар салоҳиятини ташкил этади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида инсон омилининг фаоллашуви, демократияни ривожланишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, инсон омилининг фаоллиги, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки, унинг онги ва маданияти даражаси билан белгиланади. Шу боис, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳада эркинлаштириш, демократлаштириш жараёнида кадрлар салоҳияти билан боғлиқ тарзда кечади. Зеро, янгиланиш ва ислохотларнинг мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган экан, уларни ҳал этишда фуқароларнинг фаолигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб бериш даркор. Бу эса катта маблағ ёки куч талаб этмайди. Лекин унга жуда катта умид боғлаш мумкин. Яъни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёни инсоннинг фаол иштирокисиз амалга ошмайди.

Ушбу тизим инсоний сифатлар мажмуасидан ташкил топиб кадрлар салоҳиятини оширишда инсон омилини ташкил этувчи элементлар, деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Уларни меҳнат жамоасига татбиқ этилиши эса, жамоани бир мақсад йўлида жипслашишга, кучларни бирлаштиришга, ахлоқий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади. Агросаноат интеграциясини ривожланишида кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш корхона ва ташкилотни муваффақиятли ишлашига, унда ишлаётганларнинг биргаликдаги фаолияти юқори даражада самарали бўлишига, малакасига, касбий тайёргарлиги ва маълумот даражасига, маънавий, маърифий, ахлоқий жиҳатларига, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитига, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга боғлиқ эканлигини кўрсатиб туради.

Ходимларнинг ўз имконияти ва салоҳиятидан фойдаланиш даражасининг паст бўлиши, кўп жиҳатдан уларнинг меҳнатга иштиёқи, ёки лаёқатининг йўқлигида эмас, балки фаолиятини тўғри ташкил эта олмаганлиги, уни яхшилаш учун қайси сифатлардан фойдаланиш зарурлиги, ёки, қайсики сифатларни назардан четда қолдириб, имкониятларини бой бераётганлигини билмай қолишлигидадир. Шунинг учун меҳнат жамоаларида инсоний сифатлар самарадорлигини доимий равишда ошириб бориш борасида чора-тадбирлар ўтказиб бормоқ даркор.

Агросаноат интеграциясини ривожлантириш учун кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишда инсон омилининг қуйидаги хусусиятларни инобатга олиш керак:

- инсон омилини шакллантириш шахс, корхона, жамият ва давлатдан салмоқли харажатлар талаб этади;

- инсон омилига киритиладиган инвестициялар унинг эгасига келажакда кўпроқ ижтимоий - иқтисодий Фсамара ва даромад олиш имконини яратади;



- инсон омили кўникмалар ва лаёқат сифатида муайян захира ҳисобланади, яъни уни жамғариш мумкин;

- иқтисодий қўйилмалар киритиш қанча эрта бошланса, у шунча эрта унум бера бошлайди. Шунингдек, сармоя қанча салмоқли ва давомий бўлса, у шунча юқори ва узоқ вақт наф келтиради;

- инсон омилини шакллантиришда «икки ёқлама кўпаювчи самара» ўз ўрнига эга. Унинг моҳияти шундаки, таълим жараёнида ўрганувчидан ташқари ўргатувчининг ҳам қобилияти ва маҳорати ўсиб боради, натижада ҳар иккисининг ҳам даромадлари ошади;

- инсон капитали жисмоний ва руҳий жиҳатдан емирилиб боради. Инсон капиталининг емирилиши биринчидан, инсон организми ва унга хос бўлган психофизиологик функцияларнинг табиий емирилиши (кексайиш), иккинчидан, билимларнинг маънавий емирилиши (эскириш) даражаси билан аниқланади.

- Табиий айланма, ходимларни меҳнат фаолияти тугаши билан алмаштириш ёки пенсияга чиқиши натижасида рўй беради.

- Иқтисодий айланма, технология, техника ишлаб чиқариш турининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ишчиларни қайта тайёрлаш ва улар томонидан янги касбларни ўзлаштиришга олиб келади.

- Инновацион айланма, техника ва технологиядаги сифат ўзгаришлари, меҳнатни ташкил этиш усуллариининг такомиллашиши билан боғлиқ бўлиб, хизматчиларни касб-малака тавсифлари ошиши, сифатнинг яхшиланиши, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиши кузатилади.

Меҳнат салоҳияти иқтисодий кўрсаткич бўлиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатлилигини белгиловчи барча сифатларини ифодалайди. Бу сифатлар ходимнинг меҳнат қилишга бўлган қобилияти ва қизиқишлари, соғлиғининг ҳолати, чидамлилиги, асаб тизими, умумий ва махсус билимларга эгаллиги, меҳнат кўникмалари, руҳий ва жисмоний салоҳиятини акс эттиради. Тегишли касб тайёргарлиги, меҳнат қилиш кўникмаси ва шахсий қобилиятларига эга ходимлар илмий фаолиятни олиб боришда касб ва малака жиҳатидан қобилиятларини ифодаловчи меҳнат салоҳиятининг сифат таркиби илмий кадрлар салоҳиятини акс эттиради.

Такрор барпо этиш жараёнида илмий кадрлар салоҳиятини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг ривожланиш жараёни ходимнинг билим даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида, билим даражаси илмий салоҳиятнинг асосий таркибий қисми сифатида қуйидагиларга боғлиқ: таълим тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари; умумий ва касб-хунар таълими сифати; кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими; ўз-ўзини ривожлантиришни мотивлаштириш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин: Иқтисодиёт тармоқларида рўй бераётган омилардан айримлари кадрлар салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Улар кўп ҳолларда ёш кадрлар



рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай омиллар қаторига ахборот етишмаслиги, айланма маблағ етишмаслиги, яширин ишсизликни киритиш мумкин.

-Кадрларни ўз касбий билими, маҳорати ва кўникмаларини, маънавияти ва маданиятини, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини такомиллаштиришга ундайдиган ижтимоий-психологик жиҳатларни ишлаб чиқиш.

-Тадқиқотни ўрганишда ёшларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимлаб уларнинг касбий билими, малака даражасини аниқлаб ўрганиш кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш таркибини ўрганишга ёрдам беради.

-Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва механизмини яратиш .

-Тармоқлар интеграциясининг ривожланишида ишчи кучи кадрлар салоҳиятининг сифат кўрсаткичларига эътибор беришни талаб этади.

Юқоридаги санаб ўтилган омилларга кўра мамлакатда агросаноат интеграциясини ривожлантириш учун кадрлар салоҳиятидан фойдаланишда биринчи навбатда асосий эътиборни инсон омилига қаратиш лозим. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам табиий, ҳам иқтисодий жараёнда бўлиши мумкин ва бу маълум моддий, меҳнат, молиявий харажатларни талаб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Sh.M.Mirziyoyev. Rizq-ro'zimiz bunyodkori bo'lgan qishloq xo'jaligi xodimlari mehnatini ulug'lash, soha rivojini yangi bosqichga ko'tarish – asosiy vazifamizdir,Xalq so'zi,10.12.2017 yil

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи 7.02.2017й

3.А.В.Турьянский, В.Л.Аничин. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. - Белгород: Издательство БелГСХА, 2010. – 125 с.

4.Р. Хакимов. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2009. – 19 б.

5. O.Shermatov, B.Nosirov, R.Imomov, M.Qobulova. Problems of effective usage of lands in agriculture for ensuring food security. South Asian Journal of Marketing & Management research, 10 (4), p. 71-76. <https://saarj.com/wp-content/uploads/special-issue/sajmmr/2020/SAJMMR-APRIL-2020-SPECIAL-ISSUE.pdf>.

6.М.Я.Қобулова. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш. “Иқтисодиётда инновациялар” журнали. ISSN 2181-9491. №8 (2020). 86-94-бет. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-8>





7. Шерматов О.А, Кабулова М.Я.Экономическая эффективность в оценке критериев и показателей в сельском хозяйстве.Актуальная наука. Международный научный журнал. ISSN 2587-9022.№10(27) 2019 г

8.<https://zamin.uz/iqtisodiyot/45350-klaster-raqobatda-yutib-chiqishning-eng-oqilona-yuli.html>